

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ДАНИЯРОВ УМИРЗАК ТУХТАМУРАДОВИЧ

**ИПАК МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ТУТ ИПАК
ҚУРТНИНГ (*BOMBYX MORI L.*) ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ЗОТЛАРИНИ
ТАНЛАШ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.02.04 - Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Данияров Умирзак Тухтамурадович

Ипак маҳсулотлари сифатини яхшилаш учун тут ипак қуртининг (*Bombyx mori L.*) ингичка толали зотларини танлаш ва дурагайларини яратиш.....5

Данияров Умирзак Тухтамурадович

Подбор тонкошелковистых пород и создание гибридов тутового шелкопряда (*Bombyx mori L.*) с целью повышения качества шелковой продукции.....29

Daniyarov Umirzak Tuxtamuradovich

Selection and create hybrids of fine fiber strains of mulberry cocoon (*Bombyx mori L.*) for improvement the quality of silk products.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ВА САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ДАНИЯРОВ УМИРЗАК ТУХТАМУРАДОВИЧ

**ИПАК МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ТУТ ИПАК
ҚУРТНИНГ (*BOMBYX MORI L.*) ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ЗОТЛАРИНИ
ТАНЛАШ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.02.04 - Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Qx70 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетидида бажарилган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Якубов Аҳматжон Бакиевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Насириллаев Бахтияр Убайдуллаевич
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Охунбабаев Охунжон Абураҳманович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Каҳаров Абдусаттар
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ва Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.30.08.2018.Qx.75.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140154, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 47-уй. Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81) e-mail: uzkarakul30@mail.ru Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (161 - рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улуғбек кўчаси, 47-уй. институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил 11 февралдаги 1-рақамли реестр баённомаси)

Н.А. Бобоқулов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор

А. Газиёв

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

С.Ю. Юсупов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) дисертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича 22 тадан ортиқ мамлакатда тирик пилла хом-ашёси тайёрланмоқда ва йилига ўртача 177,832 минг тонна ипак толаси ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Етиштирилаётган ипак толасининг 82,1 фоизи Хитой Халқ Республикаси, 16,1 фоизи Ҳиндистон, 0,6 фоизи Ўзбекистон, 0,4 фоизи Тайланд, 0,3 фоизи Бразилия, 0,2 фоизи Вьетнам ва қолган 0,3 фоизи эса бошқа ипак етиштирувчи давлатлар улушига тўғри келади¹. Саноат ишлаб чиқариши учун ўта муҳим бўлган ингичка толали зот ва дурагайларни яратиш бўйича Япония, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва Ўзбекистон каби пиллачилиги ривожланган давлатлар етакчи ўринни эгаллайди.

Дунё миқёсида тут ипак қуртининг юқори технологик ипак толаси берадиган зот ва дурагайларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ипак толасини технологик белгилари бўйича танлаш, ипак толаси ва репродуктив, пилла маҳсулдорлик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш ҳамда улардан селекция жараёнларда фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришилмоқда. Дунё ипак бозори ва ипак саноати талабларига жавоб берадиган толанинг технологик кўрсаткичлари юқори даражада бўлган зот ва саноат дурагайларини яратиш ҳамда тут ипак қурти генетикаси ва селекцияси жараёнларини такомиллаштириш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Республикада охириги йилларда мавжуд насли уруғчилик станцияларида охириги йилларда 11-12 минг қути суперэлита ва элита ипак қурти уруғлари тайёрланиб улардан уруғчилик корхоналарида 200-220 минг қути саноатбоб ипак қурти уруғлари тайёрланмоқда. Тут ипак қурти зот ва дурагайлари пилла ҳосилдорлиги, пилладан хом-ипак чиқиши, толанинг умумий узунлиги, толанинг метрик номери (ингичкалиги) ва мустаҳкамлиги каби маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичларини оширишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга, айниқса юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган»². Ушбу йўналишда тут ипак қуртини пилласи йиғирилиши ва метрик номери юқори даражада бўлган сифатли партенноклонлар иштирокида дурагайлар олиш ҳамда наслчилик станциялари ва уруғчилик корхоналари учун танлаш усулларини ишлаб чиқиш орқали дунё бозори ва саноат корхоналари талабига жавоб берадиган янги зот ва дурагайларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ www.worldatlas.com

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекипаксаноат уюшмаси фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги ПҚ-2856-сон, 2018 йил 12 январдаги «Республика ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3472-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 616-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Тут ипак қурти маҳсулдорлик белгилари ва ипак толасини технологик кўрсаткичлари бўйича танлашнинг генетик ҳамда селекцион усулларини ишлаб чиқишга қаратилган изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан; Sheki Regional Scientific Center of Azerbaijan (Озарбайжон), Federal State Bulget Scientific Institution Research Station of Sericulture (Россия), Scientific-Reserch Center of Georgian Agriculture (Грузия), Silkworm-Attractive Bioresources supplied from Japan³ (Япония), Gen Research Institute of Chine (Хитой), Central Sericultural Research and Training Institute⁴ (Ҳиндистон), Sericulture and Agriculture Experiment Station, Agricultural University of Plovdiv (Болгария) ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Генетик ва селекцион усуллар ёрдамида тут ипак қуртининг пилла ҳосилдорлиги, ипак хом-ашёси, пилланинг йигирилиши ва метрик номери юқори даражада бўлган зот ва дурагайлари яратиш бўйича дунёда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий натижалар олинган: ипак безида оқсил биосинтезини ошириш усуллари ишлаб чиқилган (Sheki Regional Scientific Center of Azerbaijan); ипак қуртининг адаптацион хусусиятлари ва селекцион материални баҳолаш усули ишлаб чиқилган (Federal State Bulget Scientific Institution Research Station of Sericulture); тут ипак қуртининг сариқ касаллигига қарши иммунитетни ошириш усули ишлаб чиқилган (Scientific-Reserch center of Geogian Agriculture); кичик калибрли зотлар иштирокида жуда ингичка толали «Kinshu x Shova» дурагайи яратилган (Silkworm-Attractive Bioresources supplied from Japan); тирик ғумбакдан пиллани чуватиш асосида «Jing», «Song», «Hao» и «Yue» зотлари яратилган (Gen research institute of Chine); бивольтин зотлар иштирокида FC1 x FC2, S8 x CSR16 дурагайлари яратилган (Central Sericultural Research and Training Institute); ипак қуртларини сунъий озуқа билан боқиш

³ Banno Y., Shimada T., Kajiura Z., Sedutsu H. Silkworm-Attractive Bioresources supplied from Japan. //Experimental Animals, 2010.-№59(2).-P.139-146.

⁴ Sivaprasad V. Integrated approaches for sustainable bivoltine silh production in south India. //The international scientific-technical conference. Margilan, 2017. 3.90-96.

шароитларида гетерозисга нисбатан комбинацион қобилияти аниқланган (Agrocultural University of Plovdiv).

Бугунги кунда дунёда тут ипак қурти маҳсулдорлик белгилари ва ипак толасини технологик кўрсаткичларини ошириш бўйича бир қатор жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: сифатли матолар ишлаб чиқаришга мос ва технологик кўрсаткичларга эга, ипак қуртининг зот ва дурагайларини яратиш; ипак толали зотлари билан дурагайлаш учун селекция-наслчилик ишларини такомиллаштириш; тут ипак қурти пилла хом-ашёси сифатини оширишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда генетика, селекция ва наслчилик ишининг устувор усулларида фойдаланган ҳолда ипак қуртининг ҳаётчанлик, маҳсулдорлик, технологик кўрсаткичлари яхшиланган ҳамда партенноклонлар иштирокида зот ва дурагайларни яратиш услубиятларини ишлаб чиқиш борасида Б.Л.Астауров, В.А.Струнников, Л.М.Гуламова, А.М.Сафанова, Н.В. Шуршикова, Т.Пашкина, З.Таджиева, У.Н.Насириллаев, С.С.Леженко, А.Б.Якубов, Е.А.Ларькина, Р.К.Курбонов, Ш.Р.Умаров, Б.У.Насириллаевлар томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борган. Шунингдек дунё миқёсида тут ипак қуртининг ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхшилаш ҳамда оддий ва мураккаб дурагайлар яратиш бўйича дунёнинг бир қатор етакчи олимлари: М.И.Стоцкий, Ҳ.Тадзима, В.А.Усенко, С.А.Тумаян, Л.М.Акименко, Ҳ.Ванно К.Р.Агинкумар, М.Есфандиари, Чинь Нгок Лан, М.Е. Браславскийлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ва ижобий натижаларга эришган.

Бугунги кунда мамлакатимизда тайёрланаётган зот ва дурагайларнинг айрим маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичлари хорижий дурагайларга нисбатан паст даражада сақланиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, тут ипак қуртининг маҳсулдорлик ва ипак толасининг етакчи технологик белгилари бўйича танлашнинг янги усуллари орқали янги зот ва дурагайларнинг яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ипакчилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот режасининг А-11-223 «Тут ипак қурти инбред тизимларида комбинацион қобилиятнинг шаклланиши» (2006-2008 йй.), КХА-10-062 «Селекцион-генетик услубларни қўллаш асосида тут ипак қуртининг юқори технологик ва маҳсулдор зот ва дурагайларини яратиш» (2009-2011 йй.), КХА-8-032 «Тут ипак қуртининг тоза дурагай уруғларини олишни таъминловчи клонал-зотли саноат дурагайларини яратиш» (2012-2014 йй.), КХА-8-011 «Тут ипак қуртининг партенноклонлари ва яхшиланган зот компонентларини жалб этиш билан 100 % ли тоза саноатбоп дурагайларни яратиш» (2015-2017 йй.) ва КХА-8-012 «Тут ипак қурти пилла толасининг юқори технологик хусусиятларига эга бўлган, халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган дурагайларини яратиш» (2015-2017 йй.) ҳамда «Ноёб объект» биринчи йўналиш «Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг тут ипак қурти коллекциясини сақлаш ва тўлдириш» (2006-2017 йй.) мазусидаги амалий ва ноёб объект лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тут ипак қуртининг ингичка толали зотлари иштирокида ҳар хил турига мансуб чатиштириш усуллари билан маҳсулдорлиги ва технологик кўрсаткичлари юқори бўлган ингичка толали дурагайлари яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пиллаларининг технологик хусусиятлари юқори бўлган тут ипак қуртлари ингичка ипак толали зотларининг янги селекция тизимларини яратиш;

тут ипак қуртининг ингичка ипак толали зотлари билан дурагайлаш учун комбинацион қобилияти юқори бўлган йирик пиллалли зотларнинг инбред тизимларини яратиш;

юқори маҳсулдор йирик пиллалли зотлар генотипларини юқори технологик зотларнинг генлари билан тўйинтириш учун йирик пиллалли зотларни ингичка ипак толали зотлар билан чатиштириш;

тут ипак қуртининг ингичка ипак толали зотлари билан дурагайлаш мақсадида юқори ҳаётчанликка эга, юқори комбинацион партеногенетик клонларни репродукция қилиш;

районлаштирилган зотлар билан уларнинг хусусиятларини яхшилаш ва тут ипак қуртининг ингичка ипак толали зотлари билан дурагайлаш учун селекция-наслчилик ишларини такомиллаштириш;

ингичка ипак толали дурагайлари инбред тизимлар (1); партеногенетик клонлар (2); йирик пиллалли тизимлар (3); районлаштирилган зотлар билан дурагайлаш орқали ипак толаси сифатини ошириш (4) услубларини ишлаб чиқиш;

тут ипак қурти пилла хом-ашёси сифатини оширишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш;

пилла толасининг сифати юқори бўлган тут ипак қурти дурагайлари яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тут ипак қуртининг *Bombyx mori L.* турига мансуб селекцион тизимлари, зотлари ва партеногенетик клонлари, ҳамда дурагайлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб тут ипак қурти зотлари, тизимлари ва дурагайлариининг ўз генетик салоҳиятини пилла толасининг юқори сифатли технологик тавсифлари борасида максимал даражада амалга оширишга қодир бўлган асосий репродуктив, биологик ва технологик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тут ипак қурти ривожланишининг барча босқичларида анъанавий селекция танлаш, тут ипак қурти тухумларининг жонланган қуртлари ва капалакларини ҳаракат фаоллиги бўйича танлаш, пилла қобиғининг донадорлиги бўйича танлаш, маълумотларга биометрик ишлов бериш, зотларни пилла толасининг технологик белгилари бўйича даражалаш, тут ипак қуртининг оталанмаган уруғларини партеногенетик ривожланишга нисбатан фаоллаштириш, тут ипак қуртининг инбред тизимларини олиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардош бўлган ингичка ипак толали «Майин тола 1» ва «Майин тола 2» саноат дурагайлари яратилган;

ингичка ипак толали дурагайларни яратиш учун пилла толасининг юқори технологик хусусиятларига эга бўлган турли географик ҳудудлардан келтирилган «К-108», «Я-120», «Японская-66» зотлари танланган ва маҳаллий ўрта толали «Ипакчи 1», «Ипакчи 2» зотлари билан чатиштирилган;

тут ипак қурти генетик коллекцияси зотларининг технологик тавсифларини қиёсий баҳолаш учун зотларни даражалаш услуби ишлаб чиқилган;

ингичка ипак толали дурагайларни яратиш учун тут ипак қуртининг юқори инбред тизимларидан фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

пилла хом ашёсининг сифатини ошириш мақсадида дурагайлашда тут ипак қуртининг партеногенетик клонларидан фойдаланиш самарадорлиги назарий жиҳатдан асосланган;

пиллаларнинг технологик хусусиятларини оширишда тўйинтирувчи чатиштиришларни қўллаш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Тут ипак қурти пиллаларининг маҳсулдорлик ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган янги селекция тизимлари яратилган;

Тут ипак қурти пилла толасининг технологик белгиларини оширишга йўналтирилган учта усулларни ўз ичига олган “Ингичка толали зотлар билан ҳар хил турига мансуб чатиштириш ўтказиш йўли билан ипак толасини яхшилаш усули” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган;

пиллаларнинг технологик хусусиятларини оширувчи самарали комплекс усуллар асосида юқори маҳсулдорлик ва сифат кўрсаткичларига эга бўлган пиллалар ҳосил қилишга қодир янги селекция тизимлари яратилган;

илмий тадқиқотлар натижасида «ТошДАУ-112 х ЎзИИТИ-9», «ЎзИИТИ-9 х ТошДАУ-112», «Наврўз-3», «Наврўз-4», саноат дурагайлари яратилиб, Давлат реестрига киритилган ва Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида районлаштирилган;

пиллаларнинг юқори маҳсулдорлигини ва технологик хусусиятларини таъминловчи юқори маҳсулдор саноат дурагайлари яратилган;

«Майин тола 1», «Майин тола 2» саноат дургайлари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг вилоятлардаги станцияларида жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бирламчи ҳужжатлар Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий - ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳо берилганлиги, олинган натижалар статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, жорий қилиш тадбирлари далолатномалар билан асосланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳсулдорлик ва технологик белгиларни яхшилаш учун янги тизимларни яратиш, зотларни технологик тавсифларини баҳолаш учун зотларни даражалаш услубияти яратилганлиги, ингичка ипак

толали дурагайларни яратиш учун ипак куртининг юқори инбред тизимлари ва патеногенетик клонларидан фойдаланиш тут ипак курти генетикаси, селекцияси назариясининг илмий жиҳатларини янада бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган «Ингичка толали зотлар билан ҳар хил турига мансуб чатиштириш ўтказиш йўли билан ипак толасини яхшилаш усули» илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларида олиб борилаётган селекция жараёнларида ва насли уруғчилик станциялари оила курт боқишида дастлабки танловни самарасини оширишда, янги яратилган ва жорий этилган саноат дурагайларидан юқори ҳосил олиши ҳамда технологик кўрсаткичларини оширишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ипак маҳсулотлари сифатини яхшилаш учун тут ипак куртининг ингичка толали зотларини танлаш ва дурагайларини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

уруғчилик корхоналарида тут ипак курти уруғини сифатини ошириш усуллари «Ингичка толали зотлар билан ҳар хил турига мансуб чатиштириш ўтказиш йўли билан ипак толасини яхшилаш усули» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-42/1-сон маълумотномаси). Натижада насли уруғчилик станциясида Наврўз-3, Наврўз-4 дурагайларининг ташкил этувчи зотлардан 10 кути суперэлита ипак куртлари парваришланган ва ҳар бир қутидан 8,5 кг қўшимча пилла етиштиришга эришилган ва иқтисодий самарадорлик (бир кути ҳисобида) 133015 сўмни ташкил этган;

тут ипак курти зотларини даражалаш услубиёти асосида янги яратилган «Майин тола 1», «Майин тола 2» саноат дурагайларидан тайёрланган 12 кути уруғлари Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Абдужаббор ота» ва «Асомиддин Асадбек» фермер хўжаликларида пилла етиштириш жараёнида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-42/1-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида бир кути ҳисобидан 8–10 кг қўшимча пилла етиштирилган ва иқтисодий самарадорлик 87875 сўмга тенг бўлган;

ингичка толали технологик хусусиятлари юқори даражада бўлган янги «Майин тола 1» ва «Майин тола 2» дурагайлари Тошкент вилояти Пискент туманидаги «Иброхимзода Хондамир» ва «Дадаева Анора» фермер хўжаликларида жами 6 кути миқдоридан жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-42/1-сон маълумотномаси). Натижада бир кути ҳисобига пилла ҳосили 6,2 килограммга ошган ва иқтисодий самарадорлик 59375 сўм ошишига эришилган;

экологик оғир иқлим шароитида янги «Майин тола 1» ва «Майин тола 2» дурагайлари Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги «Қурама» ва «Иззат отажон ҳамкор» фермер хўжаликларида жами 6 кути миқдоридан жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-42/1-сон маълумотномаси). Натижада бир кути ҳисобига пилла ҳосили 7,6 килограммга ошган ва иқтисодий самарадорлик 118930 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 4 та селекция ютуғига муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқот мақсади, вазифалари, объект ва предмети, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги тавсифланган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича маълумотлар берилган, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида ахборотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ипак маҳсулотлари сифатини яхшилаш учун тут ипак қуртининг ингичка толали зотларини танлашнинг назарий асослари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида тадқиқот натижалари ва маҳаллий, ҳамда хорижий илмий адабиётлар таҳлили атрофлича ёритилган. Тадқиқотларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурати, зот ва дурагайларнинг репродуктив, биологик ва технологик кўрсаткичлари таҳлили, ҳамда тут ипак қурти пилла толаси сифатини оширишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш ҳақида хулосалар қилиниб, хорижий ва республикамиз олимларининг илмий ишлари натижалари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Хорижий ва республикамиз олимлари томонидан олиб борилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, генетик ва селекцион усуллар ёрдамида тут ипак қуртининг пилла ҳосилдорлиги, ипак хом-ашёси, пилланинг йигирилиши ва метрик номери юқори бўлган зот ва дурагайларнинг яратиш уларнинг ипак қуртининг хаётчанлик, маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичларини яхшилашга оид маълумотлар келтирилган. Шунга қарамасдан, маҳсулдорлиги ва технологик кўрсаткичлари юқори ингичка толали дурагайларни яратиш, ингичка толали дурагайларни яратиш учун ипак қуртининг юқори инбред тизимлари ва партеногенетик клонларидан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва услубиётлари»** деб номланган иккинчи бобида тут ипак қуртининг тажрибада фойдаланилган зот, тизим ва дурагайларининг асосий характеристикалари келтирилган.

Тадқиқотлар Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг Тут ипак қурти генетикаси ва селекцияси лабораторияси ҳамда Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ипак қурти жаҳон коллекциясидаги мавжуд зотларда 2006-2018 йиллар мобайнида олиб борилди.

Диссертацияда қуйидаги услублардан фойдаланилди:

-умумий қабул қилинган селекцион танлаш, тут ипак қурти ривожланишининг барча босқичларида;

- тут ипак қуртларини ҳаракат фаоллиги бўйича танлаш;

- пилла қобиғининг донадорлиги бўйича танлаш;

- тўйинтирувчи чатиштиришлар услуби;

- пилла толасининг технологик белгилари бўйича даражалаш услуби;

- маълумотларга биометрик ишлов бериш услуби;

- тут ипак қурти уруғларини партеногенетик ривожланишга фаоллаштириш услуби;

-тут ипак қуртининг инбред тизимларини олиш услуби.

Зотлар билан иш «Тут ипак қурти наслчилик ишларининг асосий услубий қоидалари» га мувофиқ олиб борилди. Уруғ босқичида паст репродуктив кўрсаткичларга ва уруғ жонланишининг паст фоизларига эга бўлган оилалар тажрибалардан чиқарилди. Ипак қурти босқичида ривожланиши бир хил бўлмаганларини ярқисизга чиқариш ва ипак қуртларининг яшовчанлик қобиляти паст бўлганида амалга оширилди. Оилаларнинг таҳлили 30 та пилла намунасида олиб борилди (15 та урғочи ва 15 та эркак). Ипак бериш, пилла вазни, ипак қобиқнинг вазни бўйича паст кўрсаткичларга эга бўлган оилалар ҳам тажрибалардан чиқарилди. Оилалар бўйича ўтказилган индивидуал таҳлиллар натижасида йирик қобиқли, кўп ипак берувчи, зотга хос бўлган пилла шакли ва майда донадор пиллалар бошланғич материалнинг қўймаси учун саралаб олинди.

Аутбридинг услуби билан энг яхши индивидлар энг яхшилари билан чатиштирилди. Саралашдан кейин қолган пиллалардан суперэлита ва дурагай ипак қурти уруғларини тайёрлаш учун фойдаланилди. Технологик таҳлил барча такрорлашлар ва ҳар бир зот оилаларидан ташкил топган 50-100 та пилла намунаси бўйича ўтказилди.

Тадқиқотлар учун мўлжалланган партеногенетик клонлар ва зотлар 2-16 такрорлаш бўйича (ҳар бир такрорланишда 220 дона) гигротермик усулда боқилди.

Клонларни фаоллаштириш Б.Л.Астауров услубига кўра 1-5-10 капалакдан олинган уруғланмаган тухумларга иссиқлиги 46 °С га тенг бўлган сувда 18 дақиқа ишлов бериш ва кейин уларни 3 сутка мобайнида ҳарорати 16-17 °С ва намлиги 90-95 % бўлган жойда сақлаш ва сўнгра тут ипак қуртининг оқ пиллали зотларини сақлаш учун қабул қилинган одатдаги ҳароратда сақлаш билан олиб борилди.

Оилалар, зотлар ва клонлар билан олиб бориладиган селекция-наслчилик ишлари жараёнида барча зарур репродуктив, биологик ва технологик кўрсаткичлар аниқланди.

Ҳаракат фаоллиги бўйича танлаш услубига мувофиқ, зотлар билан ишлаганда ипак курти тухумидан жонланган куртларни озиклантириш жараёнида энг ҳаракатчан куртлар танлаб олинди, пиллалардан капалаклар чиқиши пайтида эса – энг ҳаракатчан ва фаол эркак капалаклар танланди.

Диссертациянинг «Тут ипак курти зотлари технологик кўрсаткичларини тўйинтирувчи чатиштиришлар ўтказиб яхшилаш услубини ишлаб чиқиш» деб номланган III-бобида зотлар билан олиб борилган селекция-наслчилик ишларининг натижалари, яратилган дурагайларнинг таҳлили, ўтказилган синовларнинг баҳоси баён қилинган, хулосалар чиқарилган ва дурагайлардан Ўзбекистоннинг экологик ноқулай туманларида муваффақиятли фойдаланиш учун тавсиялар келтирилган.

Бошланғич материал танлашни ИИТИнинг Тут ипак курти жаҳон коллекцияси таркибидаги зотларнинг маҳсулдорлик хусусиятлари таҳлилинини ўтказиш ва ИИТИ тут ипак курти генетикаси ва селекцияси лабораторияси ходимлари томонидан тақдим қилинган материаллар асосида амалга оширилди. Пилла хом-ашёси сифатини яхшилашнинг янги услубларини ишлаб чиқиш учун маълум илмий ва амалий қизиқишга молик бўлган зотларнинг кўрсаткичлари баҳоланди.

Диссертациянинг ушбу бобида юқори маҳсулдор йирик калибрли маҳаллий Линия 48, Линия 51 зотлари геномига Шарқий Осиёнинг юқори сифатли пилла толасига эга бўлган Японская 66, Китайская 108 зотларининг генларини сингдириш учун кетма-кет беккросслар сериясини ўтказиш бўйича тажрибаларнинг кетма-кетлиги ва натижалари баён қилинган.

Тўйинтирувчи чатиштиришлар қуйидаги схема бўйича ўтказилди:

♀ [(Л-48 х Кит.108) х Кит.108] х ♂ Кит.108

♀ [(Л-48 х Яп.66) х Яп.66] х ♂ Яп.66

♀ [(Л-51 х Кит.108) х Кит.108] х ♂ Кит.108

♀ [(Л-51 х Яп.66) х Яп.66] х ♂ Яп.66

Пилла толасининг технологик хусусиятларини яхшилаш учун Линия 48 х Линия 51 генотипларини Японская 66 ва Китайская 108 зотларининг генлари билан тўйинтириш ўтказилди, аммо бу билан бир вақтнинг ўзида ипак куртларининг яшовчанлиги яхшиланди, Линия 48, Линия 51 куртларининг пилла ўрашдаги фаоллиги ошди, эркак капалакларнинг жуфтлашишдаги тезлиги ортди.

Ипак куртларининг яшовчанлиги беккроссларнинг барча авлодларида юқори бўлиб қолади ва селекцион тизимларнинг яшовчанлигидан ортиқ бўлади. Шу билан бирга, пилла вазни ва беккроссларнинг ипакчанлиги Линия 48 ва Линия 51 зотларининг худди шу кўрсаткичлар билан солиштирганда камайган, аммо Шарқий Осиё зотлариникидан кўра юқори бўлди. Кўриниб турибдики, Линия 48 ва Линия 51 ни Китайская 108 ва Японская 66 зотлари билан тўйинтириш пилла вазнининг камайишига олиб келди.

Биологик кўрсаткичлар билан бир қаторда беккросс дурагайларнинг пилла толаси технологик хусусиятларининг ўзгариши юз берди (1-жадвал).

Беккросслар ва бошланғич зотларнинг авлодлар бўйича технологик кўрсаткичлари (2008-2011 йй.)

Дурагайлар	Бек-кросс сони	Чиқиши, %		Толанинг метрик номери, м/г	ИТУЙУ, м	Толанинг умумий узунлиги, м
		хом-ашё	ипак маҳсулотлар			
Линия 48 х Японская 66	1	31,07	52,29	2849	908	908
	2	33,67	46,23	4207	925	925
	3	37,30	43,01	3822	730	901
	4	36,07	52,29	3849	900	900
Линия 48 х Китайская 108	1	43,42	49,29	3300	1117	1117
	2	29,59	41,84	3773	733	733
	3	39,52	45,22	3481	747	843
	4	40,42	45,29	3400	800	820
Линия 51 х Японская 66	1	40,82	46,83	3717	1058	1058
	2	24,25	43,00	4032	790	790
	3	37,69	43,20	3689	749	862
	4	37,95	44,18	3820	840	1270
Линия 51 х Китайская 108	1	40,74	40,41	2817	783	783
	2	28,53	40,44	4071	700	700
	3	38,23	43,09	3078	642	767
	4	39,20	43,95	3405	710	873
Линия 48		41,87	50,77	3223	1029	1235
Линия 51		44,19	49,80	2785	843	1129
Японская 66		38,31	45,33	3689	602	807
Китайская 108		37,95	44,13	3797	606	800

1-жадвалнинг маълумотларидан кўришиб турибдики, дастлабки тўйинтирувчи чатиштиришнинг ўзиёқ Линия 48 ва Линия 51 зотлари пилла толасининг технологик хусусиятлари яхшиланишига олиб келди. Иккинчи тўйинтирувчи чатиштириш уларнинг метрик номерини янада юқори даражага кўтарди. Масалан, ипак толасининг ингичкалиги Китайская 108 зоти билан дастлабки чатиштиришдан кейин Линия 48 ва Линия 51 да 3300 м/г ва 2817 м/г ни ташкил қилган бўлса, иккинчи чатиштиришдан кейин мувофиқ равишда 3773 м/г ва 4071 м/г тенг бўлди. Худди шундай манзарани Линия-48 ва Линия-51 генларини Японская 66 зотининг генлари билан тўйинтирилганида кузатиш мумкин, дастлабки чатиштиришдан кейин пилла толасинининг ингичкалиги 2849 м/г ва 3717 м/г ни, иккинчи чатиштиришдан сўнг – 4207м/г ва 4032 м/г кўтарилди.

Бироқ учинчи беккросс чатиштириш натижаларни бутунлай ўзгартирди. Барча беккроссларнинг метрик номерлари пасайди. Узилмасдан чуваладиган пилла толасининг узунлиги ва толанинг умумий узунлиги қисқарди. Шунга қарамадан беккросс дурагайларнинг қуйидаги ингичкалиги -3822 м/г, 3481 м/г, 3689 м/г, 3078 м/г, гарчи Японская 66 - 4348 м/г ва Китайская 108 - 4232 м/г

зотларига ён берса ҳам, Линия 48 нинг тола ингичкалигидан -2949 м/г ва Линия 51 нинг тола ингичкалигидан -3078 м/г ошади.

Ўтказилган тўртта беккросс чатиштиришдан сўнг, ипак толанинг технологик хусусиятларига кўра иккинчи чатиштириш Шарқий Осиё зотларининг кўрсаткичларига яқинлашди.

Шу тариқа, Линия 48 ва Линия 51 йирик пиллали селекция тизимларни географик келиб чиқиши бошқа бўлган ингичка ипак толали Японская 66 ва Китайская 108 зотларининг генлари билан тўрт марталик тўйинтириш натижасида шу аниқ бўлдики, беккросс чатиштиришлар қуйидагиларга олиб келади:

-ипак қуртларининг яшовчанлигини оширади ва оқибатда пиллаларнинг бир вақтда ўралишига ҳамда жуфтлашишда эркак капалакларнинг фаоллиги ортишига;

-пилла вазнининг ва ипакчанлигини камайишига;

-пилла толасининг сифати яхшиланишига (толанинг ингичкалиги ошади).

Демак, Линия 48 ва Линия 51 йирик пиллали селекция тизимларининг ипак толаси сифатини яхшилаш учун яхшиловчи зотлар - Японская 66 ва Китайская 108 зотлари билан икки марта беккросс чатиштириш ўтказиш кифоя қилади.

Диссертациянинг «**Тут ипак қурти дурагайлари пилла толасининг технологик кўрсаткичларини инбред тизимлардан фойдаланиб яхшилаш услубини ишлаб чиқиш**» деб номланган IV-бобида тажриба материали сифатида йирик пиллали селекция тизимлари Линия 48 ва Линия 51 дан фойдаланилди. «Сингил х ака» чатиштириш орқали ҳар бир селекция тизимида аввалроқ иккитадан инбред тизимлар қўйилган эди: Линия 48 дан – Ф-1 ва Ф-2, Линия 51 дан- Ф-3, ва Ф- 4. Ф-1 ва Ф-3 тизимларида танлаш ипак қуртларининг юқори яшовчанлиги бўйича, Ф-2 ва Ф-4 тизимларида эса – пасайган яшовчанлиги бўйича олиб борилди. Ҳаракат фаоллиги бўйича муқобил инбред тизимларини Ф-1, Ф-2, Ф-3, Ф-4 яратиш услуги ва мазкур тизимларнинг ингичка ипак толали Японская 66, Китайская 108 зотлари билан дурагайлаш натижалари кетирилди.

Тадқиқотимизда инбред кўпайтиришдан селекция-наслчилик ишларида инбредланган тизимларнинг зотлараро дурагайлашдан олинган инкроссбред дурагайларида гетерозис самарасини ошириш мақсадида авлодларда хўжалик-қийматли белгиларни мустаҳкамлаш учун фойдаланилади. 5 инбред авлод (J₅, J₆, J₇, J₈, J₉) ўрганилди ва зотларнинг йўналтирилган танлаш олиб борилган тизимларида инбридингга нисбатан реакцияси белгиланди. Назорат сифатида айнан шу зотларнинг аутбред чатиштириш йўли билан олинган ипак қуртлари хизмат қилди. 1-расмдаги гистограммада Ф-1, Ф-2, Ф-3, Ф-4 тизимларининг қўймадаги нормал тухумлар миқдори, 2-расмда қўйманинг вазни бўйича инбред депрессияси яққол кўриниб турибди. Масалан Линия 51 қўймасида 711 дона тухум бор, ундан олинган Ф-1 ва Ф-2 инбред тизимларда 637 ва 646 дона, Линия 48 да битта тухумнинг ўртача вазни 0,587 мг ни ташкил қилади, ундан олинган Ф-3 ва Ф-4 инбред тизимларда - 0,587 ва 0,549 мгни ташкил қилди. Инбред кўпайтириш зотнинг репродуктив хусусиятларини маълум даражада барқарорлашига олиб келди. Вариация коэффиценти барча инбред тизимларда

барча кўсаткичлар инбредлашнинг охирида пасайиши аниқланди. Ф-1 тизимда Сv нормал уруғларда сони бўйича 2007 йилда - 18,6 % бўлса, 2011 йилда -14,8 % ни ташкил қилди. Худди шундай ҳолат бошқа тизимларда ҳам кузатилди. Шу билан бирга уч инбред авлод пилла толасининг технологик кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Боттомкросс ва инкроссларни инбред авлодлари бўйича технологик синаш натижалари (2009-2011 йй)

Дурагайлар	Инбред авлодлари	Йиллар	Чиқиши, %		ИТУҲ, м	Тола-нинг метрик номери, м/г	Тола-нинг умумий узунлиги, м
			хом ипак	ипак махсулотларининг			
Ф-1 x Л-51	J ₇	2009	41,80	50,55	1129	3343	1445
	J ₈	2010	41,31	48,73	777	2742	1259
	J ₉	2011	43,36	49,45	897	3340	1108
Ф-2 x Л-51	J ₇	2009	43,78	50,36	1068	2709	1291
	J ₈	2010	39,95	49,75	887	2646	1215
	J ₉	2011	42,07	48,50	788	3603	969
Ф-3 x Л-48	J ₇	2009	36,91	51,36	950	2551	950
	J ₈	2010	41,57	50,66	963	2665	1396
	J ₉	2011	42,27	48,07	834	3574	1001
Ф-4 x Л-48	J ₇	2009	41,92	50,09	1099	3057	1275
	J ₈	2010	41,86	48,85	821	2721	1445
	J ₉	2011	43,77	49,95	859	3479	1208
Ф-1 x Ф-2	J ₇	2009	39,11	51,90	783	2967	967
	J ₈	2010	39,10	50,90	785	3067	967
	J ₉	2011	39,11	51,40	786	3017	990
Ф-2 x Ф-1	J ₇	2009	41,54	51,10	965	2663	1235
	J ₈	2010	42,24	49,35	899	2687	1241
	J ₉	2011	41,90	50,20	920	2670	1140
Ф-3 x Ф-4	J ₇	2009	41,81	50,76	1018	3170	1415
	J ₈	2010	42,64	49,91	738	2465	1114
	J ₉	2011	40,70	50,80	900	26,90	1220
Ф-4 x Ф-3	J ₇	2009	42,51	51,54	983	2936	1317
	J ₈	2010	42,66	51,62	975	2915	1300
	J ₉	2011	42,70	51,50	980	2940	1320
Линия 48 (к)		2011	41,43	50,01	1023	2949	1228
Линия 51 (к)		2011	42,27	49,75	881	2824	1200

Технологик кўрсаткичларга кўра, 7, 8, 9-инбред авлодлар даражасидаги инбред Линиялар пилла вазни бўйича бошланғич аутбред зотларга етишди, ипакчанлик бўйича эса ҳатто улардан ўзиб кетди. Инбред тизимларнинг метрик номери, пилла толасининг умумий узунлиги ва узилмасдан чуваладиган пилла толаси узунлиги Линия 48 ва Линия 51даги шу кўрсаткичлардан юқори бўлди.

Аниқ кўриниб турибдики, 7, 8, 9 инбред авлодлар даражасида пилла толасининг технологик хусусиятлари, худди инбред тизимларнинг биологик кўрсаткичлари сингари, бошланғич зотлар даражасига етди ва ҳатто улардан юқори бўлди.


Бу инбред тизимларда гомозигота ҳолатига ўтган яримлетал генларнинг салбий таъсири фониди яшовчанлик бўйича селекция натижасида ижобий генларнинг аҳамиятли даражада тўпланиши ҳақида далолат беради. Яшовчанлик бўйича плюс ва минус танлаш ўтказилган инбред тизимлар учта авлодида (J₇, J₈, J₉) ўтказилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

- 9 авлод мобайнида тизимли кўпайтиришни яшовчанлик бўйича интенсив танлаш билан бирга олиб бориш инбред депрессияни кейинги авлодларида бутунлай йўқ бўлишига олиб келади;

- яшовчанлик бўйича танлаш ўтказилган инбред тизимлар селекцияси нафақат яшовчанликни, балки баъзи технологик белгиларни ҳам (метрик номер, толанинг умумий узунлик ва пилла толасининг узулмасдан чуваладиган узунлиги) меъёргача оширади;

- ипак қуртларининг юқори ва паст яшовчанлигига селекцияланган инбред тизимлар ўртасида биологик ва технологик кўрсаткичлар фарқи кузатилмайди.

Инбред тизимларнинг комбинацион қийматини ўрганиш учун турли чатиштиришлар серияси ўтказилди: топкросслар (зот х инбред тизим), боттомкросслар (инбредтизим х зот), инкросслар (инбред тизим 1 х инбред тизим 2).




1-расм. Инбред тизимларда тухумларнинг ўртача миқдори

Яшовчанликнинг ортиши билан бир вақтда комбинацион қийматнинг яхшиланиши рўй бериш-бермаслигини аниқлаш учун топкросслар, боттомкросслар ва инкроссларда гетерозиснинг индекслари аниқланди.

Дастлабки инбред авлодлар чиқарилганида ундан келиб чиққан аутбред авлод чатиштиришнинг бошланғич зотлари иккинчи жуфтнинг кўрсаткичларига айнан ўхшаш кўрсаткичларга эга бўлган, иккинчи авлоддан бошлаб бу кўрсаткичлар 1-2 %, учинчи авлоддан бошлаб эса 3-15 % га ошган.

Аввалроқ бизнинг тадқиқотларимизда беккроссларнинг 4-6- авлодларида инбред тизимларнинг гетрозис кучи 17-31 % гача ошиши аниқланган эди ва беккроссларнинг 7-9- авлодларида ҳам шу даражада сақланиб қолади.



2-расм. Инбред тизимларда қўйманинг ўртача вазни

Хом ипак ва ипак маҳсулотларнинг чиқиши, ипак толасининг ингичкалиги кўрсаткичлари биз учун энг катта аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичларнинг дастлабки иккитаси бўйича барча кросслар ўртасида сезиларли фарқ кузатилмайди. Инкроссларнинг метрик номери эса топкросс ва боттомкроссларнинг метрик номерларидан юқори. Бизнинг ҳолатимизда инкросслар – бу пасайтирилган (Ф-2, Ф-4) ва оширилган (Ф-1, Ф-3) яшовчанликка селекцияланган инбред тизимлар ўртасидаги дурагайлاردир. Улар ўртасидаги чатиштиришлар пилла толасининг ингичкалиги бўйича гетерозисга олиб келди.

Аниқланган биологик белгилар бўйича кузатилган қонуният технологик белгилар бўйича ҳам тасдиқланди, пилла толаси метрик номерининг ўсиши барча кроссларда Ф-1, Ф-2, Ф-3, Ф-4 тизимларининг инбридизация даражаси ортишига мос келади. Шубҳасиз, ипак қуртларининг юқори ва пасайтирилган яшовчанлигига танлашни қўллаган ҳолда инбред тизимларни яратиш ва улардан дурагайлашда фойдаланиш ипак толасининг сифати бўйича ҳам гетерозис рўй беришига олиб келиши мумкин. Умуман олганда, топкросс, боттомкросс ва инкросслар яратиш орқали инбред тизимларни энг яхши комбинацион қобилият бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, барча кроссларда гетерозис намоён бўлади.

Инбред тизимлардан олинадиган топкросс, боттомкросс ва инкросслар гетерозислигининг сақланиб қоладиган самараси, J₇ дан бошлаб то J₉ гача Линия 48 ва Линия 51 йирик пиллалари селекция тизимларида ипак қуртларининг оширилган ва пасайтирилган яшовчанлигига ўтказилган селекция самарасининг ортиб бориши билан юқори комбинацион қобилият шаклланиб бориши ҳақида далолат беради.

Ўзида юқори комбинацион қобилият намоён қилиш хусусиятлари ва пилла толасининг яхши технологик хусусиятларини бирлаштирадиган дурагайларни яратиш учун аввалроқ олинган инбред тизимлар ва ингичка ипак толали тизимлардан фойдаланилди.

Инбред тизимлар ва беккросслар ўртасидаги дурагайлар пилла вазни бўйича Ипакчи 1 х Ипакчи 2, Ипакчи 2 х Ипакчи 1 районлашган дурагайлардан устун бўлиб, янги дурагайларнинг қобик вазнини районлашган дурагайларнинг қобик вазни билан солиштириш мумкин. Ипак қуртларнинг яшовчанлиги Ипакчи 1 х Ипакчи 2, Ипакчи 2 х Ипакчи 1 га нисбатан сезиларсиз даражада пастроқ. Инбред тизимлар ипак қуртларининг яхши яшовчанлиги билан бошқалардан ажралиб турмайдиган йирик пиллалар Линия 48 ва Линия 51 дан ҳосил бўлган, шунинг учун ҳам улар билан чаптириш дурагайларнинг яшовчанлигини бирмунча пасайтирди. Инбред тизимлар яшовчанлигини барқарорлаштириш улар иштирокида дурагайлар кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келади. Бизнинг тадқиқотларимизда янги дурагайларнинг ўртача 2 йил давомидаги ипак толасининг технологик хусусиятлари алоҳида аҳамиятга эга (3-жадвал).

3-жадвал

**Янги дурагайлар пилла толаси технологик хусусиятларини синаш
натижалари (2009-2010 йй.)**

№	Дурагайлар	1 дона куруқ пилла вазни г	Чиқиши, %		Тола- нинг метрик номери, м/г	ИТЎЙУ, м	Чува- лиш, %	Тола- нинг умумий узунли- ги, м
			хом ипак	ипак маҳсу- лотлари				
1	Ф-1х(Л-48х Кит.108)	0,786	42,72	47,68	3215	919	89,57	1139
2	(Л-48хКит108)хФ-1	0,742	45,22	51,78	3206	834	87,33	1083
3	Ф-2х(Л-48хКит.108)	0,739	44,06	49,17	3298	817	89,61	1000
4	(Л-48хКит.108)хФ-2	0,774	41,51	48,17	3295	871	86,17	1106
5	Ф-3х(Л-51 х Яп.66)	0,755	43,50	48,84	3256	874	89,04	1131
6	(Л-51хЯп.66) х Ф-3	0,854	43,57	49,27	3092	840	82,43	1189
7	Ф-3х(Л-51 х Кит.108) (Наврўз-3)	0,741	41,08	46,85	3303	953	87,70	1153
8	(Л-51хКит.108) х Ф-3	0,753	42,62	48,55	3020	770	87,78	1030
9	Ф-4х(Л-51 х Кит.108)	0,811	39,09	46,17	3103	766	84,06	1197
10	(Л-51хКит.108) х Ф-4	0,759	42,05	47,31	3235	809	83,81	1026
11	Ф-4х(Л-51 х Яп.66)	0,760	41,88	47,89	3280	855	87,44	1144
12	(Л-51хЯп.66) х Ф-4 (Наврўз-4)	0,739	43,34	49,33	3399	956	87,86	1015
13	Ипакчи 1 х Ипакчи 2	0,778	40,56	47,22	3128	757	85,89	1079
14	Ипакчи 2х Ипакчи 1	0,773	42,69	47,61	3198	800	89,67	1065

3-жадвалдан кўришиб турибдики, синалаётган дурагайлар районлашган Ипакчи 1 х Ипакчи 2 ва Ипакчи 2 х Ипакчи 1 дурагайларни куруқ пилла вазни ва узилмасдан чуваладиган пилла толасининг узунлиги бўйича ортда қолдиради. Ф-1 х (Л-48 х Кит.108), (Л-48 х Кит.108) х Ф-2, Ф-3 х (Л-51 х Яп.66), Ф-4 х (Л-51 х Кит.108) дурагайлар районлашган дурагайлардан пилла толасининг метрик

номери бўйича ортиқроқ. Бундан келиб чиқадики, зотларни инбред тизимлар билан дурагайлаш тут ипак қурти пилла толасининг технологик кўрсаткичларининг ортишига олиб келади.

Диссертациянинг «Ингичка ипак толали зотни партеногенетик клонлари билан дурагайлаш йўли билан пилла толаси сифатини ошириш услубини ишлаб чиқиш» деб номланган V-бобида тут ипак қурти партенноклонларидан ингичка толали ва юқори даражадаги сифатли ипак берадиган дурагайларни яратишда фойдаланиш имконияти аниқланган.

Тадқиқотлар жараёнида шу аниқландики, тажрибаларда фойдаланилган АПК ва 9пк партенноклонлари ўртача пиллалари зотлардир – йиллар бўйича пилла вазни 1,27 г дан 1,56 г гача, қобиқ вазни 228 мг дан 326 мг гача ўзгариб туради. Ипак қуртларининг яшовчанлиги етралича юқори (83,0-96,0 %). Пиллаларнинг 18,0 % - 21,3 % ипакчанлиги урғочи тут ипак қуртларига хос, клонлар эса, маълумки, фақат бир жинсга – урғочи жинсига мансуб. Партенноклонлар, константлиги туфайли, асосий маҳсулдорлик кўрсаткичларини коррективроқ қилишга муҳтож эмас, Я-120 компонент-зоти эса репродуктив ва биологик кўрсаткичларини оширишга йўналтирилган танлаш амалга оширилган эди. Бу хўжалик-қийматли белгиларнинг консолидацияси ва барқарорлашувига олиб келди ва зот қуртларининг яшовчанлиги – 89,9-95,0 % га, пиллаларнинг ипак бериши - 22,4-24,1 % га етди. Партенноклонлар ва Я-120 компонент-зоти пилла толасининг технологик хусусиятлари танлаш йиллари бўйича ўзгарди (4-жадвал).

4-жадвал

Тадқиқ қилинаётган партенноклонлар ва Я-120 зотининг пилла толасининг йиллар бўйича технологик хусусиятларини синаш натижалари

Партенно-клонларнинг номи	Йиллар	1 дона куруқ пилла вазни, г	Чиқиши, %		Толанинг метрик номери, м/г	ИТУЙУ, м	Пилла толасининг умумий узунлиги, м
			ипак хом-ашё	ипак маҳсулотлар			
АПК	2015	0,642	40,95	46,24	3514	758	952
	2016	0,648	41,01	46,72	3323	821	970
	2017	0,620	42,37	46,91	3520	802	986
9 ПК	2015	0,814	42,23	49,36	3335	900	1215
	2016	0,709	41,35	47,93	3347	975	1126
	2017	0,737	43,37	48,35	3370	910	1115
Я-120	2015	0,674	44,52	50,0	3703	1200	1200
	2016	0,751	45,17	48,90	3717	868	1275
	2017	0,630	46,10	52,95	3984	1192	1292

4-жадвалдан кўриниб турибдики, клонлар ипак толаси ингичкалигининг юқори кўрсаткичлари билан ажралиб туришади (АПК нинг метрик номери - 3323-3520 м/г, 9пк-3335-3370 м/г, Я-120-3703-3984 м/г). Бироқ, клонлар урғочи бўлганлиги сабабли куруқ пилла вазни (АПК- 0,620-0,648 г, 9пк - 0,709-0,814 г,

Я-120-0,630-674 г) ва ипак маҳсулотларнинг чиқиши (АПК-46,24-47,91 %, 9пк-47,93-49,36 %, Я-120-50,0-52,95 %) икки жинсли зотларникига қараганда паст.

АПК х Я-120, 9пк х Я-120 клон-зотли дурагайларнинг ипак қуртлари яхши ривожланган, бир вақтнинг ўзида баравар ёшдан-ёшга ўтган ва ёппасига пилла ўраш учун дастага чиқишган. Етакчи биологик кўрсаткичлар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Клон-зот дурагайларнинг йиллар бўйича биологик кўрсаткичлари

№	Дурагайлар	Йиллар	Қуртлар-нинг яшовчанлиги, %	Ўртача вазн		Ипакчанлиги, %
				пилла, г	қобик, мг	
1	АПК х Я-120	2015	95,0±3,3	1,63±0,03	358±7,1	22,0±0,8
		2016	94,8±3,0	1,69±0,03	408±9,0	21,6±0,7
		2017	93,5±2,9	1,44±0,03	318±6,1	22,1±0,8
2	9ПК х Я-120	2015	93,7±2,4	1,65±0,02	369±6,5	21,4±0,6
		2016	97,1±3,1	1,96±0,03	418±7,9	21,3±0,5
		2017	93,7±2,7	1,65±0,03	382±5,0	23,2±0,6

Тадқиқот олиб борилган йиллар мобайнида яшовчанлик етарли даражада юқори бўлган (93,5 % дан 97,1 % гача). Шу билан бирга ипак қуртлари яхши ривожланган, бир вақтнинг ўзида баравар ёшдан-ёшга ўтган ва ёппасига пилла ўраш учун дастага чиқишган. Ушбу дурагайларнинг бундай ҳатти-ҳаракатлари клон-зотли дурагайлар учун хос бўлган хусусият ва ипакчилик амалиётида катта аҳамиятга эга. Клон-зотли дурагайларнинг пиллалари чувиш натижалари уларнинг яхши технологик хусусиятлар билан характерланишидан далолат беради.

АПК х Я-120 (3906 м/г) ва 9пк х Я-120 (3704 м/г) дурагайларининг метрик номерлари, ҳамда АПК х Я-120 дурагайининг тола узунлиги – 1158-1275 м эътиборга лойиқ. Бундай юқори технологик кўрсаткичлар яна бир бор клон-зотли дурагайларни Ўзбекистоннинг ипакчилик саноатига жорий қилиш самарали эканлигидан далолат беради.

Клон-зотли дурагайлар икки йил мобайнида Самарқанд вилоятидаги “Мастура-Нур” насли уруғчилик станциясида кичик саноат синовларидан ўтказилди. Ушбу ишлаб чиқариш синовларида, синалаётган дурагайлар қуртларининг юқори ҳаётчанлик хусусиятига эгаллиги ва бир хил ривожланиши ҳамда деярли бир хил катталиқдаги пилла ўраши ўз исботини топди.

Шундай қилиб, ипакчилик тарихида биринчи марта тут ипак қуртининг клон-зотли дурагайлари пилла толасининг сифатини яхшилаш мақсадида саноат ишлаб чиқаришига жорий қилиниши мумкин.

«Тут ипак қуртининг районлаштирилган зотларини ингичка ипак толали зотлари билан дурагайлаш орқали пилла толасининг технологик кўрсаткичларини яхшилаш услубини ишлаб чиқиш» номли VI-бобида маҳаллий Ипакчи 1, Ипакчи 2 зотларини Шарқий Осиёнинг юқори технологик

